



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Экология

«Nestle Uzbekistan» — замонавий корхона

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан пойтахтимиздаги «Nestle Uzbekistan» масъулияти чекланган жамиятига медиас-тур ташкил этилди.



Тадбирда аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланаётгани, Президентимиз раҳнаомлигида кичик бизнес учун яратилаётган имкониятлар самарасида бу соҳада ҳам ишлаб чиқариш ривожланаётгани таъкидланди.

«Nestle Uzbekistan» масъулияти чекланган жамияти ана шу йўналишда фалият юритаётган замонавий корхоналардан биридир.

Мазкур жамиятнинг Тошкент заводи директори Отабек Азизовнинг ай-

тишича, ушбу корхонада «Nestle» савдо белгиси остида йилга қарийб етмиш минг тонна экологик соф ичимлик суви ишлаб чиқарилмоқда. Қарийб 122 метр чуқурликдан олинаётган ер ости суви бир неча босқичда қайта ишланиб, сувнинг сифати физикавий, кимёвий, микробиологик лабораторияда чуқур текширилгач, идишларга қадоқланиб, истеъмолчига етказилади. Ишлаб чиқариш жараёнида замонавий технологиялар қўлланилаётгани

сифат ва самардорлик омили бўлаётир.

Тадбирда ичимлик суви ишлаб чиқариш саноатида тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган экологик лойиҳалардан аҳолининг хабардорлигини ошириш ва жамиятимизда экологик маданиятни юксалтириш борасидаги вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Журналистлар «Nestle Uzbekistan»

масъулияти чекланган жамияти Тошкент заводида ишлаб чиқариш цехларида қўлланилаётган замонавий технологиялар, «яшил иқтисодиёт»га йўналтирилган лойиҳалар билан танишишди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

ЎЗА фотомухбири
Ёлқин ШАМСИДДИНОВ
олган суратлар.



Тараккиёт манзаралари

Чегарачиларга тўхфа

Тошкент вилояти Зангиота туманида янги чегара пости биноси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшилари ҳарбий хизматчилари учун уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурига мувофиқ, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш янада кенгайтириш таъкидланди. Жумладан, замонавий лойиҳалар асосида ҳарбий шахарчалар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, уларда оилалар талаб ва эҳтиёжларига мос инфратузилмалар ҳамда қулай ижтимоий-маиший шароитлар яратилмоқда.

Бу борада амалга оширилаётган ишлар самарасини Зангиота туманидаги «Фозил» кўргони мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда янги чегара пости мажмуаси ва уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

«Омилкор» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилган янги уйлар ва чегара постининг хизмат биносидан шинамлик, илиқлик ва осойишталик уйғунлашган. Замонавий лойиҳалар бўйича қурилган чегара постида хизматни ўташ учун барча зарур шароитлар яратилган. Тураржойларда замонавий қулайликлар муҳайё этилган.

ЎЗА

Янги «Бахт уйи»

Фарғона вилояти Тошлоқ тумани марказида ФХДБ бўлимининг янги биноси қуриб битказилди.

Қишлоқ аҳолисига юридик хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш ва самардорлигини ошириш мақсадида замонавий ва миллий мезмончилик ечимлари асосида қад ростлаган бинода никоҳни қайд этиш маросими ўтказиш учун барча қулайлик яратилган. «Оила дорилфунуни», «Еш оила қурувчилар мактаби» хоналари, маросимлар зали, ҳужжатларни сақлаш ва бошқа хоналар бугунги кун талаби асосида жиҳозланган.

Янги бинода дастлабки ёш оила никоҳини қайд этиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

Қулай шароит

АТБ «Қишлоққурилишбанк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиали янги бинода иш бошлади.

Умумий қиймати 5 млрд. сўмдан ортиқ маблағни ташкил этган қурилиш ишлари Нукус шаҳридаги «Антакия қурилиш» очик акциядорлик жамияти ишчи-ходимлари томонидан амалга оширилди. Барча хоналар замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

— Наврўз байрамини янги бинода нишонладик, — дейди кредит бўлими бошлиғи Муҳаммад Тажетдинов. — Қулай шароит тўғрисида мижозларга кўрсатаётган хизматимиз сифати ошмоқда.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсининг навбатдаги битирувчиларига диплом топширилди.

Битирувчилар хизматга шай



Шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.Аҳмадбоев, академия бошлиғи Ш.Икромов ва бошқалар курсантларни ўқишни муваффақиятли тамомлагани билан муборакбод этиб, ички ишлар тизими мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда муҳим ўрин тутуши, соҳага қадим қўяётган ҳар бир ходим бунга муносиб бўлиши зарурлигини таъкидлашди.

➤(2).

Фаровонлик

Тўкин бозорлар

озиқ-овқат саноатини ривожлантириш борасидаги ислохотлар самараси

Давлатимиз раҳбарининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинганга олти йил тўлди. Соҳа ривожидида муҳим аҳамият касб этган ҳужжатнинг амалиётга жорий этилгани эса бозору дўконларда манаман деб кўзга ташланиб турибди. Қувонарлиси, ушбу маҳсулотларнинг аксарияти, яъни 96 фоизи она заминимизда етиштирилиб, ўзимизнинг корхоналарда қайта ишланган.

➤(3).



Семнар

Сайловларда журналистлар иштироки

Урганчада Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловларининг очик ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли» мавзусида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидаги журналистлар учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Олий Мажлис Сенати ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда уюштирилган тадбир журналистларнинг сайловларга оид билимини оширишга йўналтирилди. Семинарда мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фа-

олиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга кенг эътибор қаратилгани, ушбу институт жамият сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисми эканлиги таъкидланди.

Иштирокчилар соҳада амалга ошири-

лаётган ишларга тўхталиб, 2013 йилнинг апрел ойида «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида» ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунларига ўзгариш киритилиб, сайлов тизимининг янада такомиллаштирилганини эътироф этишди.

Жорий йилги сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш мақсадида жойларда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақла-

шувчи вилоят, туман, шаҳар комиссиялари тузилганлиги алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, семинарда сайловларнинг очик-ошкора ўтказилиши, бу борада қонун талабларига оғишмай амал қилинишида оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутуши таъкидланди. Шу босис, юқорида қайд этилган масалаларни ҳал этишда ОАВда ушбу жараён бўйича таҳлилий, профессионал даражада тайёрланган материаллар ёритиб борилиши ўта муҳим эканлиги эътироф этилди.

Тадбир якунида мазкур йўналишдаги ўқув-семинарларни барча вилоятларда ташкил этиш кўзда тутилганлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Дилрабо ҚҮРЯЗОВА,
Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва мониторинг қилиш мустақил институти Хоразм вилояти ҳудудий бўлини маси етакчи мутахассиси




«Биз — буюк юрт фарзандларимиз!»

>> 2



Қонун устуворлиги йўлида

>> 3



Чехраларда табассум

>> 4

Шаҳримизни гулларга буркаймиз

Миробод туман ободонлаштириш бошқармасида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда Миробод туман ҳокими Шарофиддин Қодиров ва Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Тўлқин Тешабоев сўзга чиқиб, пойтахтимизнинг ободлиги, кўчаларнинг саранжом-сарилталлиги, тобора чирой очиб, боғ ва гулзорга бурканиб бораётганида ободонлаштириш ходимларининг ҳиссаси катталиги, уларнинг

хизмати ҳамisha эътиборда эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди. — Самарали фаолият учун барча шароит яратилган, — дейди туман ободонлаштириш бошқармаси касаба уюшма кўмитаси раиси Жасур Абулқосимов. — Ходимлар махсус кийим-бош билан таъминланган. Иш жараёнида замонавий технологиялардан фойдаланилмоқда.



Фаол ходимларга қўшимча иш ҳақи тўланади. Бу, албатта, иш унвдорлиги ва сифатини оширишга хизмат қилаётди.

— Кўчалар озода, ҳар ён яшилликка бурканган бўлса, кўрган кўз яшнайдди. Кишининг баҳри-дили очилади, — дейди бошқарма иш устаси Гавхарой Курбоналиева. — Ҳамкасбларим билан шаҳримизни гулларга буркаймиз, дея бир ёқадан бош қариб мехнат қилаёلمиз. Бугунгидай байрам тадбирлари бизни янада самарали ишлашга давъат этади. Тадбирда фаол ишчи-ходимларга Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг эсдалик совғалари топширилди. Санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқ ва рақслар байрам дастурхони атрофида йиғилганларга бир олам қувонч улашди.

Ўз мухбиримиз. Аҳмад ТУРА олган суратлар



Бандлик

Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Бу борада ҳукуматимиз томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ёшлар, айниқса, касб-хунар коллежи битирувчилари бандлигига катта эътибор қаратилаётди.

Амалий ишлар давом этмоқда

Айни пайтда касаба уюшмалари томонидан ҳам бу борада аҳамиятга молик чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Жумладан, «Хунарманд» уюшмаси ҳамда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2015 — 2017 йиллар учун мўлжалланган тармоқ келишуви ижроси доирасида бир қанча хайрли ишларга қўл урилди.

Чунончи, касаба уюшма фаоллари саъй-ҳаракати билан Бухоро шаҳридаги Тўқмачилик бозори худудидаги бўш ётган бино таъмирланиб, бу ерда уста заргар, коллеж битирувчиси Садриддин Саъдуллаев иш бошлади. Бундан ташқари, Бухоро шаҳар А.Сомий кўчасида чокли буюмларни тикиш устаси Умиджон Жалилов, Пешку туман Янгибозор кўрғонида гулли ва чокли буюмлар тикиш устаси Мақсуда Шодиева, Бухоро шаҳар Афросиёб кўчасида заргар, тош ўймакорлиги йўналиши бўйича Жасурбек Самадов ўз фаолиятларини бошлади.

Умуман олганда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VII Қурултойида Давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан ҳар бир туман, шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари, корхоналар ташкил этиш, яқна тартибдаги тадбиркорлик фаолияти орқали коллеж битирувчилари учун 25 тадан иш ўрни яратиш бўйича қабул қилинган тақдир қўйишдан амалий ишлар давом эттирилмоқда.

Жаҳонгир НУРУЛЛАЕВ, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VII Қурултойида мамақалими мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан ҳар бир туман, шаҳарда коллеж битирувчилари учун 25 тадан иш ўрни яратиш вазифаси белгиланганди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши томонидан вилоят «Хунарманд» уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Коллеж битирувчилари бандлиги — касаба уюшмалари эътиборида» мавзусидаги семинар-тренинг ҳам шу мақсадга қаратилди. Коллежизмининг тадбиркорликка иштироқидан битирувчилари иштирокида ўтказилган ушбу тадбирда уларга яратилган имтиёзлар ҳақида сўз юритилди.

Сўзга чиққанлар бўлажак ёш тадбиркорларни яратилган имкониятлардан кенг ва самарали фойдаланишга чақирдилар. Битирувчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан соҳа мутасаддиларига мурожаат қилиб, батафсил жавоб олишди.

М.ОЧИЛОВА, Бухоро банк коллежи касаба уюшма кўмитаси раиси

Ўқув

Билимлар мустақамлиги текширилади

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ меҳнат муҳофазаси, техника ва sanoat хавфсизлиги бошқармаси ва тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши мутахассислари ҳамкорлигида Кўнғирот, Бухоро, Термиз, Қарши, Қўқон ва Тошкент минтақавий темир йўл узелларида бўлиб, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар иштирокида ўқув машғулоти ўтказилди.

Ўқув иштирокчилари меҳнат муҳофазаси бўйича билимларни синаш доимий комиссиялари томонидан синовдан ўтказилгач, уларга махсус гувоҳномалар берилди.

Ж.ВАЛИХОНОВ, меҳнат муҳофазаси бўлими мудир

Жорий йилнинг бошида Жиззах вилоят фермерлар кенгаши ҳамда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши фермер хўжалиги раҳбарларини ўқитиш юзасидан кўшма қарор қабул қилган эди.

Шунга асосан Халқаро Меҳнат Ташкилотининг мамлакатимизда ратификация қилинган конвенциялари ҳамда фермер хўжалигида меҳнат муҳофазасини таъминлашга бағишланган ўқув-семинарлар ташкил этилди. Вилоятнинг 12 та туманидаги ўқувларда 2574 та хўжалик раҳбарлари иштирок этди.

Абдурауф САНГИЛОВ, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудир

Таҳлил

«Самарқандкимё» акциядорлик жамиятида 2010 — 2015 йиллар мобайнида 88 та иш ўрни аттестациядан ўтказилиб, унинг натижасига кўра 383 нафар ходим имтиёзли пенсияга чиқиш имкониятига эга бўлди. Айни пайтда «Labour systems» МЧЖ корхонаси билан 80 та иш ўрнини аттестациядан ўтказиш юзасидан шартнома тузилиб, комиссия таркибига касаба уюшма ташкилоти раиси ҳам киритилди.

Етакчи жонқуяр бўлса

Таъкидлаш жоизки, корхонада меҳнат шaroитларини янада яхшилаш ва усқунларнинг жароҳатлаш хавфлигини бартарф этишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Маъмурият ташаббуси билан хавфсизлик юзасидан доимий фаолият кўрсатувчи комиссия ишчи гуруҳи тузилган ва унинг таркибига бошлангич ташкилот етакчисининг ўрни муҳим белгилаб қўйилган.

Ҳаёт тасодифлардан холи эмас. Ҳамма гап тўғри хулоса чиқариш, хавфсизлик мезорларини ходимлар онига имкон борича чуқурроқ сингдиришда. Айнан шунга қара, муносиб меҳнат шaroити яратиш, кафолатланган иш ўринларига эга бўлишга жиддий киришилган.

Фаолият билан танишиш жараёнида бир ҳолат эътиборимизни торди. Меҳнат билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларни қайд этиш дафтарини сақлаш муддати қирқ йил қилиб белгилаб қўйилган. Мутахассисларнинг фикрича, бу қачонлардир юз берган тасодиф такоррланмаслиги, хулоса ва сабоқ чиқаришга асос бўлади. Мавжуд 15 та асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларининг санитар паспортлари мавжуд бўлиб, 2009 йилдан бунён тиббий кўрикларнинг яқини далолатномалари сақлаб келинмоқда.

— «Самарқандкимё» АЖ маъмурияти ва бошлангич касаба уюшма ташкилоти меҳнат муҳофазасини ташкил этишга жиддий ёндашмоқда, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлими мудир Усмон Каримов. — Цех ва бўлимларда 13 кишидан иборат меҳнат муҳофазаси вакиллари сайланиб, улар уч босқичли назорат ишларига масъул.

Дарвоқе, уч босқичли назорат тартиби ҳақида. Биринчи босқичда цех ва бўлимларда ишловчиларнинг иш шaroити ҳар бир смена бошлангичидан олдин ва иш давомида смена бошлиқлари, механчик, энергетик, усталар, меҳнатни муҳофазаси қилиш вакил-

лари ҳамда касаба уюшмасининг доимий назоратида бўлади. Назоратнинг иккинчи босқичи цех, иншоот, бўлим бошлиғи, меҳнатни муҳофазаси қилиш, ёнгин хавфсизлиги бўйича катта вакил раҳбарлигидаги комиссия томонидан ойига камидан икки марта ўтказилади. Бунда цех, бўлим бошлиқлари, тегишли цех мутахассислари иштирокида ҳар ойда бир марта фойдаланиладиган асбоб-анжомлар, ҳаво сүриш мосламалари, қувурлар ва анжомлар ҳолати текшириб борилади. Хулоса ой якуни бўйича цехларда ўтказиладиган хавфсизлик техникасига доир тадбирда муҳофазаси қилиниб, тегишли чоралар кўрилади. Учинчи босқичда эса корхона бош муҳандиси ва касаба уюшма кўмитаси раиси бошчилигидаги комиссия томонидан ҳар чоракда бир марта цех, бўлим ва раҳбари, меҳнатни муҳофазаси қилиш, ёнгин хавфсизлиги бўйича катта вакил иштирокида ўтказилади. Текширув натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади ёки уч босқичли назоратнинг учинчи босқичи дафтарига ёзилади. Бир ҳафта муддатда касаба уюшма фаолларини жалб қилган ҳолда корхона раҳбари ҳузуридаги йиғилишда муҳофазаси қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ходимлар саломатлигини мустаҳкамлашда ҳам тизимли ишлар амалга ошириб келинаётди. Маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти ташаббуси билан ўтган йилда 480 нафар ходим тиббий кўриқдан ўтказилиб, муолажамга муҳтож ходимлар 10-оилавий поликлиникада соғломлаштирилди.

— Ходимларимизни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келаямиз, — дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Баҳриддин Усупов. — Тиббий кўриқлар натижасига кўра турли касалликлардан азият чекаётганлар нафақат тиббиёт муассасалари, балки санаторийларда соғломлаштирилмоқда. Ўтган йилда 13 нафар ходим имтиёзли тарзда сихатдоҳларда шифо топди.

Битирувчилар хизматга шай

Ў(1).

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ташкил этилган маъруза муассасалари курсантларга патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, кўриқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш, ёнгин хавфсизлиги каби йўналишлар бўйича билим берилди.

Бу ерда янгича ёндашув асосида мутахассисликлар психологияси ва статистикаси, маънавий сабоқлари ва муомала маданиятидан ҳам амалий кўникма шакллантирилмоқда. Муассасаларда барча зарур шароит яратилгани, жумладан, криминалистика маркази, техника воситалари билан таъминланган ўқув-дала машқ майдонлари мавжудлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Назария ва амалиётни уйғунлаштириш мақсадида курсантлар ички ишлар органларининг турли хизмат ва бўлимларида амалиёт ўташи йўлга қўйилган. Замонавий компьютер ва лингафон, спорт машқлари олиб бориш хоналари мавжудлиги, ўқитишнинг са-

марали усуллари, мультимедиа ва замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилаётгани сержантларнинг замон талаби даражасидаги етук мутахассис бўлишига замин яратмоқда.

Курснинг навбатдаги битирувчилари ҳам чуқур билим, жисмоний ва хизмат тайёргарлиги бўйича зарур кўникмаларни эгаллаб, мамлакатимиз тинчлиги ва оқолини мустаҳкамлашга аҳд қилган.

— Ўл-юртимизнинг оқолини таъминлаш сержантлардан чуқур билим ва улкан масъулият талаб этади, — дейди битирувчи Аббор Аҳмедов. — Бу ерда биз шундай билим ва кўникмага эга бўлдик. Президентимиз Ислоҳ Каримов ёшларга қарата биз ҳеч қачон ҳеч қандам кам бўлмаганимиз ва ҳеч қачон ҳеч қандам кам бўлмаймиш, деб таъкидлади. Бу доим бизнинг руҳимизни кўтаради. Биз шундай кайфиятда хизматга йўл олар эканмиш, мамлакатимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатишга доим тайёрмиш.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири

Ў Ёшларга онд давлат сиёсати — амалда

«Биз — буюк юрт фарзандларимиз!»



Сурхон воҳасида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

Республика тарғибот гуруҳи аъзолари бир ҳафта давомида қатор туманларда бўлиб, «Бу mening Ватаним», «Кичик филмдан катта кинога», «Талабалар театр студиялари», «Ёшлар жонли ижро тарафдори», «Марра бизники» каби мавзуларда тадбирлар уюштирилди. Шунингдек, туманлар марказидаги замонавий ўйингоҳларда гала концерт ташкил этилди.

Термиз шаҳридаги «Сурхон» спорт мажмуасида фаол ёшлар иштирокида ўтказилган мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламдаги ўзгаришлар мазмун-моҳиятига чуқурроқ кириб бориш, «оммавий маданият»нинг

салбий оқибатларидан сақланиш бораборида миллий-маънавий кадрларимизга ҳурмат, эътиром ва садоқат руҳида тарбияланишимизда ўзига хос семинар-тренинг вазифасини ўтади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу тарғибот-ташвиқот тадбирлари онгу шуурида бир умр мухрлиб қолади, — дейди ТерДўнинг математика факультети талабаси Хасанжон Хуррамов.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

Саёҳат

Бир олам таассурот билан

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан олис қишлоқларда яшовчи аёлларнинг Тошкент шаҳрига саёҳати ташкил этилди.

Сайр Зангиота зиёратгоҳи мажмуасидан бошланди.

— Айниқса, таъмирдан чиққан маҳобатли мақбара бизда катта таассурот қолдирди, — дейди Ховос туманидаги 9-умумтаълим мактаби ишчиси Манзура Пардабоева.

— Зиёратгоҳда олис вилоятлардан келганларни ҳам учратдик. Келгусида бу ерга оила аъзоларимни ҳам олиб келишни ният қилдик, — дея суҳбатга қўшилди Сирдарё айтилди қорхона ишчиси Бозоргул Болтабоева. Шундан сўраб саёҳатчилар Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқий театрида «Қайчи куда» номли комедиyani томоша қилишди.

— Комедия ҳам, артистлар ижроси ҳам бизга жуда ёқди, — дейди Сайхунобод туманилик вилоят реабилитация маркази ҳамшираси Мавлуда Почаева.

Тошкент шаҳрининг обод ва кўркам кўчалари бўйлаб сайр этган сайёҳлар бир олам таассурот олишди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан бир гуруҳ хотин-қизларнинг Хива шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Олис туманлар ва чекка қишлоқларда яшab меҳнат қилаётган опа-сингилларимиз ташкилотчиларга ўз миннатдорликларини изҳор этишди.

— Минг марта эшитгандан бир бор кўрган афзал, — дейди Тахтақўбир тумани Мақпалқул ҚВП ҳамшираси Дилбар Бердибекова. — Ичан қалъадаги ота-боболаримизнинг ақл-заковати маъсули бўлмиш мейморий ёдгорлиқлар минг йилликлардан садо бераётганига гувоҳ бўлдик.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

О.МАМУТОВ

Тўкин бозорлар

озиқ-овқат саноатини ривожлантириш борасидаги ислохотлар самараси



қўзда тутилаётгани аҳолининг мазкур маҳсулотларга бўлган талабини тўла қондириб, экспорт ҳажмининг орттишига замин яратди.

Ушбу рақамларнинг ўзиёқ озиқ-овқат саноати иқтисодий таъминининг кенг тармоқли соҳасига айланишидан оза-рак бериб турибди. Айни пайтда Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси таркибиде 200 дан ортиқ ихтисослашган корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ички ва ташқи инвестициялар эвазига янги корхоналар ишга туширилиб, мавжуд қувватлар модернизация қилинаётир. Биргина ўтган йилда давлат ва ҳудудий манзилли дастурлар ихроси доирасида умумий қиймати 333,7 млн. доллар бўлган 1663 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилгани, бу мақсадлар учун 291,7 миллиард сўм ва 46,2 миллион доллар миқдорда маблағ йўналтирилгани фикримиз далилидир.

Корхоналарда замонавий сифатни баҳолаш тизими жорий этилаётгани экспорт ҳажми ва турини кенгайти-

№(1). Озиқ-овқат саноатининг мамлакатимиз яли ички маҳсулотидеги улуши ҳам изчил ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткич бугунги кунга келиб 18,2 фоизга етди. Шу йўналишдаги 10 мингга яқин корхонада йилга қарий 12 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилаётди.

Маълумотларга кўра, ўтган йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш дастурига мувофиқ чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асалари-чилик, интенсив ва маҳаллий боғлар барпо этиш, гўшт, суг ва мева-сабзавотни қайта ишлаш ҳамда сервис хизматларини ишга тушириш натижасида 21 минг 500 та фермер хўжалиги кўп тармоқлига айлантирилган. Улар томонидан сабзавот, картошка, полиз ва бошқа хилдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми сезиларли равишда ортиб бормоқда. Шу ўринда мамлакатимизни ижти-

мой-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувори йўналишларида ҳам соҳага алоҳида аҳамият қаратилганини таъкидлаш лозим. Хусусан, 2020 йилгача пахта хомашёсини етиштириш ва уни давлат томонидан харид қилиш ҳажмини 350 минг тоннага қисқартириш масаласи илгари сурилди. Бунинг самараси ўлароқ пахтадан бўшаган 170 минг 500 гектар сугориладиган майдонларда сабзавот ва картошка, озуқа экинлари, ёғ-мой олинадиган ўсимликлар экилиб, боғ ва узумзорлар барпо этилади.

Экин майдонларининг оптималлаштирилиши ва илгор агротехнологияларнинг жорий этилиши натижасида 2020 йилда бошоқли дон етиштириш ҳажмини 8 миллион 500 минг тоннага етказиш, картошка етиштиришни 35, сабзавотни 30, мева ва узумни 21,5, гўштни 26,2, сутни 47,3, тухумни 74,5 фоизга кўпайтириш, балиқ етиштиришни 2,5 баробар ошириш



Рисолат МАДИЕВА, журналист

Орамиздаги одамлар

Буви ва набира

Чироқчи тумани Қаҳрамон қишлоғида яшовчи 34 ёшли оддий қишлоқ аёли Назокат опа Йўлдошева вояга етмаган олти фарзанди билан бева қолди. Бу пайтда катта қизи 15 ёшга кирган, кенжаси 11 ойлик эди.



Бош паноҳидан айрилган аёлнинг оғир аҳволда қолгани рост. Аммо тақдирдан қочиб бўлмади. Энди у ҳам ота, ҳам она вазифасини бажариши керак. Ҳарна рўзгорга наф, дея муштлар она қишлоқ врачлик пунктида фаррошлик қила бошлади. Шу тариха томорқа сугориш-у, кир ювиш, рўзгор юмушлари ҳам тўн қоронғусига қолди. Бўш вақти бўлса, қўйларини далага ҳайдади, молига ўт юлди. Болаларини ҳам ҳалол меҳнатга ўргатди, ўқишга рағбат уйғотди.

Икки қизи Шаҳрисабз тиббиёт коллежини тугатди. Гулҳа-раҳон айни пайтда Чироқчи туман тиббиёт бирлашмасининг шошилич тиббий ёрдам бўлимида меҳнат қилмоқда. Қўлининг энгиллиги туфайли барча ундан мамнун.

Назокат опанинг тўнғич ўли Арзимурод Чироқчи транспорт коллежини тамомлаб, Тошкент давлат техника университетига ҳужжат топширди. Имтиҳон жавоби эълон қилинганде, унинг шартнома асосида ўқишга қабул қилингани маълум бўлди.

— Она, шартнома пулини қандай тўлаймиз? Қийналиб қоласиз-ку, — дея ўғил онасини уйлади. — Бироз рўзгорни тиклаб олайлик, пухтароқ тайёрларик кўриб, олий ўқув юртига яна ҳужжат топшираман.

Шу тариха, Арзимурод ўзини тадбиркорлик соҳасида синаб кўришга қарор қилди. Сабр-қаноати, омилкорлиги ва меҳнат-севарлиги туфайли ишлари юришиди. Бу орада укалари Алишер ва Аббос ҳам улғайиб, пойтахтдаги касб-хунар коллежларида таҳсил олди.

Опанинг учинчи қизи Сожидахон Жуманова Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига ўқиди. Гулно-ра Ахматова, Муҳаббат Хусанова каби фидойи устозлар ёрдамида билимини чархлади, ҳорижий тилини ёш авлодга чуқур ўргатиш бўйича етарлича малака ҳосил қилди. Академик лицейда амалиёт ўтаган Сожидахон таълим муассасаси жамоасида ҳам илқ таассурот қолдирди.

— Онажонимнинг меҳри, тарбияси ҳақида ҳар қанча тўлқин-ланиб гапирсам оз, — дейди у. — Она бўлса, шунчалик бўлади! Ахир бева аёл учун фарзандини шартнома асосида ўқитиш осон иш эмас-ку.

Дарвоқе, Арзимуроднинг ҳам оидин тилагига фаришта омин деган экан. Иши юришиб, яна олий ўқув юртига ҳужжат топширди. У айни пайтда Тошкент давлат аграр университетига таҳсил олаётди.

Назокат опа фарзандларининг камолини кўриб, бошидан ўтказган қийинчиликларни эслайди. Болаларини вояга етказишда кенг жамоатчилик ва маҳалланинг кўмагини мамнуният билан тилга олади. Оналар ва болалар камоли учун кенг имконият яратилган юрда яшаётганидан Яратганга шўқроналар айтади...

Дарҳақиқат, оналар учун боласининг бахти-саодатини кўришдан эзгуроқ тилак борми?!

Моҳина Раҳмонова — Назокат опанинг невараси. У Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги 126-мактабнинг 5-синфида аъло баҳоларга ўқимокда. Айниқса, инглиз тили бўйича раван гаплашиши, ўтилган мавзуларни яхши ўзлаштириши сабабли устозлари ундан хурсанд. Моҳина «Билимлар беллашуви» танловига муваффақиятли иштирок этиб, таъсирий санъат фани бўйича Чилонзор туман босқичида ғолиб бўлди. Устози Дилфуза Акрамовадан таъсирий санъат сирларини кўнг билан ўрганган. «Қиш», «Олмаҳон ва тирпатикан», «Турна ва илон», «Тоғ манзараси», «Наторморт» каби ижод намуналарида ёш рассомнинг ёрқин иқтидори ақс этган.

Бу ҳаммаси эмас. 11 ёшли Моҳина тумандаги Болалар санъат ва мусиқа мактабига ҳам таҳсил олмақда.

— Оила аъзоларининг санъатни севишида. Ўзим дугор ва пианино чалишга қизиқаман, — дейди Моҳина. — Дадам олиб бериб пианинода мактабда устозлардан олган сабоқларни уйда машқ қилиб, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб боряман.

Тиниб-тинчимас Моҳина спорт машғулотларига қатнашга ҳам улғиради. У ўзбек жанг санъати бўйича бир қанча мусобақаларда совриндор бўлди. Бунга устози Бехзод Тўхтасинов зўр мамнуният билан эътироф этади.

— Келажакда таржимон бўлоқчиман, — дейди Моҳина. — Ўзим турли адабиётларни, эртақларни севиб мутолаа қиламан. Вақти келиб, чет эл эртақларини ўзбек тилига таржима қилиш ниятим бор. Шунингдек, юртимизга келадиган сайёҳларга, чет эл мутахассисларига жонажон Ўзбекистонимиз ҳақида сўзлаб бериш имкони ҳам туғилади.

— Невараларининг камолини кўриб, дилим фаҳрга тўлади, — дейди Моҳинанинг буви Назокат Йўлдошева. — Ҳар учала набирам аъло баҳоларга ўқишди. Бундан ташқари, тил ўрганиш-шайтир, спорт билан шугулланишмоқда.

— Бувижонимдан меҳрини, меҳнатни, сабрни ўрганиппиз, — дейди Моҳина. — У киши қийинчиликларга сабрли, барчамизга меҳрибон ва меҳнатсевар инсон.

Ақмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Миннатдорлик

Таълим тизимидаги узок йиллик тажрибамни инобат олиб, 2014 йилда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курси» директори ўринбосари лавозимига ишга ўтказишди.

Қадрдон жамоамга қайтдим

2014 — 2015 йиллар давомидаги самарали фаолиятим натижасида вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи билан тақдирландим. Аммо кутилмаганда касабам уюшмаси раиси эканлигимни ҳам инобатга олмай мен билан тизилган меҳнат шартномаси ноқонуний равишда бекор қилинди. Қатор ташкилотларга қилган музоааатларимдан наф чиқмагач, касабам уюшмалари жонимга ора кирди.

Тошкент вилояти касабам уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг юридик бўлими бошлиғи Н.Темиров ва етакчи юрисконсулти Н.Асадова барча ҳужжатларни ўрганиб, мени қайта ишга тиклаш ҳамда мажбурий про-гул учун ҳақ ундириш тўғрисида касабам уюшмалари номидан судга даъво ариза билан мурожаат қилди. Суд даъвои кўриб чиқиб, ишни менинг фойдамга ҳал этди. Илгари эгаллаб турган ишимга тикландим.

Ҳозир қадрдон жамоамда меҳнат қилиб келяпман. Касабам уюшма ҳуқуқшуносларининг саъй-ҳаракати туфайли юртимизда қонун устувор, фуқаролар ҳуқуқлари мустаҳкам ҳолда эканига яна бир бор амин бўлдим.

М.МАМАДАЛИЕВА, Тошкент вилояти ҳокимлиги хузуридаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курси» ўқув методик ва ташкилий масалалар бўйича директор ўринбосари

Ҳуқуқий саводхонлик

Қонун устуворлиги йўлида

Бугунги кунда мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш чораларини тақомиллаштириш, ушбу турдаги жиноятларни содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган қонун ҳужжатларини мазкур соҳадаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мослаштириш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 2015 йил 20 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилиш йанада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун бунинг яқол тасдиғидир.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди, 3 та модда янги тахрирда қабул қилинди, 1 та модда чиқариб ташланди. 11 та моддадан иборат XIII боб «Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъвоуз қиладиган бошқа жиноятлар» билан тўлдирилди. Шу билан бирга, Жиноят кодекси Махсус қисмининг саккизинчи бўлими (Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси)дан «Масъул мансаб-

дор шахс» атамаси чиқариб ташланиб, «Мансабдор шахс» атамаси янги тахрирда баён этилди ҳамда «Давлат иш-тироқидаги ташкилот» ва «Хизматчи» атамалари билан тўлдирилди.

Мазкур ўзгариш ва қўшимчаларнинг аксарияти коррупция жиноятларига тегишли бўлиб, ушбу жиноятлар учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи нормалар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябр) талабларига янада мослаштирилганини кўриш мумкин. Хусусан, биринчидан, давлат органлари мансабдор шахслари ва хусусий сектордаги ман-

сабдор шахслар томонидан содир этиладиган пора олиш(бериш) жиноятлари учун жиноий жавобгарлик алоҳида моддаларда белгиланди. Иккинчидан, мансабдор шахс тушунчасига халқаро ташкилот ёки чет давлатлар мансабдор шахслари ҳам киритилди. Учинчидан, давлат органлари ва хусусий сектордаги мансабдор шахс аломатлари ага бўлмаган хизматчилар томонидан содир этиладиган пора олиш(бериш) жиноятлари учун жиноий жавобгарлик алоҳида моддаларда белгиланиб, тақомиллаштирилди.

Қонунчиликка киритилган мазкур ўзгариш ва қўшимчалар мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мирослом ХАЙДАРОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят ҳуқуқи кафедраси бошлиғининг ўринбосари

Реклама

«FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Бешариқ тумани ҳокимлиги балансидаги, Бешариқ тумани, Олтин Водий кўчаси, 163-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда!
1. «BA3-2106» рўсуми, 1996 йилда и/ч, техник-носоз, д/р: 40840XAA, бошлангич баҳоси — 1 227 000 сўм;
2. «M-4121Э028» рўсуми, 1987 йилда и/ч, техник-носоз, д/р: 40841XAA, бошлангич баҳоси — 442000 сўм;
3. «BA3-2121» рўсуми, 1991 йилда и/ч, техник-носоз, д/р: 40842XAA, бошлангич баҳоси — 721000;
4. «M-412» рўсуми, 1990 йилда и/ч, техник-носоз, д/р: 40843XAA, бошлангич баҳоси — 458000 сўм.
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Республика Инкассация хизмати ДУК Фарғона вилоят Бошқармаси балансидаги «РАФ-2203801» рўсуми, д/р: 40 745 HAA, 1993 йилда и/ч, техник ҳолати носоз, бошлангич баҳоси — 1 990 823 сўм.
6. Қўштепа тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази балансидаги «BA3-21063» рўсуми, д/р: 15A119, 1990 йилда и/ч, техник ҳолати носоз, бошлангич баҳоси — 623 440 сўм.
Аукцион савдолари 2016 йил 6 май кунин соат 10:00 да бўлиб ўтади.
Талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача (13:00 дан, 14:00 гача тушлик) қабул қилинади. Талабномалар қабул қилиниши охириг муддати: 2016 йил 4 май соат 17:00.

Талабгорлар диққатига!
Юқориде кўрсатилган автотранспорт воситалари 2016 йил 6 май кунин савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2016 йилнинг 13-, 20 май кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Такрорий савдога аринлар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.
Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 (ун) иш кунин ичиде сотувчи билан олди-соти шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.
Талабгорлар закалат келишунига асосан мулк бошлангич баҳосининг 30 (ўттиз) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖнинг «Трастбанк» Фарғона филиалидаги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: МҒФ: 01123, СҒИР: 303054753, Х/Р: 2260400600396342001.
Манзил: Фарғона шаҳар, Маърифат кўчаси, 22-уй.Тел: (+99895) 402-54-75. Гувоҳнома: № 1894.
Хизматлар лицензияланган.

«SURXON SAVDO INVEST» масъулияти чекланган жамияти 2016 йил 5 май кунин соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар Маркази биносида очик аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилди:
1. Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси балансига тегишли бўлган 2002 йилда ишлаб чиқарилган 75 992 GAA давлат рақамли «GA33102311» рўсуми техник таъмирталаб ҳолатдаги автоташинининг бошлангич баҳоси — 1 432 229 сўм.
2. «SURXON OSIVO» масъулияти чекланган жамияти балансига тегишли бўлган 2014 йилда ишлаб чиқарилган 75 922 JAA давлат рақамли «КОБАЛТ» рўсуми техник таъмирталаб ҳолатдаги автоташинининг бошлангич баҳоси — 5 050 000 сўм.
Юқоридеги мулк 2016 йил 5 май кунин аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдода 2016 йил 20-, 23-, 24 май - кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.
Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.
Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аринларини қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхта-тилади.
Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект пулининг баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SURXON SAVDO INVEST» масъулияти чекланган жамиятининг «HAMKORBANK» АТБ Термиз филиали МҒФ: 01001, ИНН: 303477661, Х/Р: 20208000100512709001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганини ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.
Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Термиз шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 1-хона. Телефон: (+998 94) 201 04 04.
Хизматлар лицензияланган.

Шайхонтоҳур туман ТСРҲИ томонидан 2009 йил 19 октябрдаги 003666-09-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «RAZATA» масъулияти чекланган жамиятининг ҳуқуқий шакли хусусий корхонасига ўзгартирилиши маълум қилади. «RAZATA» хусусий корхонаси, «RAZATA» масъулияти чекланган жамиятининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шайхонтоҳур туман ТСРҲИ томонидан № 006509-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «INDUSTRIAL ENGINEERING CONSULTING» масъулияти чекланган жамияти оилавий корхонага айлантирилади (ИНН 300805302).

Шайхонтоҳур туман ТСРҲИ томонидан № 005635-09-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «XAYDAROVA SHAIRA KAXAROVNA» масъулияти чекланган жамияти оилавий корхонага айлантирилади (ИНН 207140361).

МЧЖ COSCOM ҳорий корхонаси касабам уюшма қўмитаси компания технологиялар департаментининг бўлим бошлиғи Урал Бойқуловга падади бузруквори **ИБРОХИМ отанинг** вафот этганини муносабат билан чуқур ҳамдардик билдиради.

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Хунар — инсон зийнати

Сангзорлик кулол

У болалик чоғларидаёқ мусаввир бўлишни дилига туриб, тасвирий санъат асарларини диққат билан кузатар, тинмай машқ қиларди. Иш столи устида ҳаммиса турли шакл, чизма ва хомаки сурат нуҳхалари турарди. Чизаётган суратларининг аксариятида ёш, кувноқ болалик акс этарди.



Уста кулол йигирма йилдики, ўз касбини эъозлаб, ёшларга хунарамандчилик сирасорини ўргатишдан чарчамаяпти. Унинг шоғирдлари бугун вилоятнинг турли туманларида фаолият юритишмоқда. Хозирда кичик жамоанинг олти аъзоси бўлиб, буюртмаларни бекаму кўст, сифатли бажаришга ҳаракат қилишапти. Жамоа ҳар йили вилоят бўйича ўтказиб келинаётган турли ярмарка ва кўрик-танловларда гипсдан қошинлар, нақшлар, кичик ҳажмдаги ҳайкалча ва ўйинчоқлар, лойдан ишланган уй-рўзгор буюмлари билан иштирок этади. Айниқса, Ҳасан ва Ҳусан Мамараҳимов, Зойир Худойкулов каби усталар иши кўпчиликка маъқул бўлмоқда.

Файзулла Жўрабеков 2010, 2012 йиллардаги «Ташаббус» республика кўрик-танловининг совриндори бўлган. Шунингдек, уста кулол ҳар йили шаҳар ва вилоят бўйича ўтказилаётган кўрик-танловларда фаол қатнашиб, фахрий ёрлик ҳамда қимматбахшо совғалар билан тақдирланиб келмоқда.

— Ҳар бир буюртмани яхши ва сифатли бажарганимда кўнглим кўтарилиб, янада яхшироқ ишлашга ҳаракат қиламан — дейди Ф.Жўрабеков. — Энг муҳими, ишларим билан атрофдагиларга фойда келтираётганимдан хурсандман.

Ўз касбининг устаси Файзулла Жўрабеков хунарамандчилик буюмлари, сурат ва картиналарини болажонларга совға қилишни ёқтиради. У сўнгги икки йил мобайнида Жиззах шаҳридаги «Ширин», «Дўстлик», «Нихол» каби кўплаб МТМ тарбияланувчиларига ҳамда мактаб ўқувчиларига кўплаб сурат ва ҳайкалча-ларини совға қилди. Болалар ҳам вақти-вақти билан кулолчилик устaxonасида бўлиб, касб ўрганишга ҳаракат қилишмоқда.

«Уста-шоғирд мактаби»ни ташкил этган Файзулла Жўрабеков «Ташаббус — 2016» кўрик-танловининг вилоят босқичида «Энг яхши хунараманд» номинацияси голиби бўлиб, республика босқичида фаол иштирок этади.

Абдулла САИДОВ

Кўргазма



Чеҳраларда табассум

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида уюштирилган «Табассум» деб номланган кўргазмада юмористик мазмундаги 200 га яқин асарлар ихлосмандлар эътиборига ҳавола этилди.

Миллий қадриятларимизни тарғиб қилиш ва оммалаштириш, инсоннинг ахлоқий камолоти ва таракқиётга фов бўладиган барча нарсалар устидан ўткир ҳажв (сатира), кувноқ ҳазил руҳида яратилган асарлар ҳеч кимни бекфарқ қолдирмади. Томоша асноси кишилар юзига беихтиёр табассум оғурди.

Кўргазмадан Р.Азизов, Ш.Музаффар, М.Эшонкулов, Ҳ.Содиқов каби қатор карикатурачи рассомлар, таникли миниатюра устаси Б.Хожиметов, ёш рассом М.Коровина, керамика усталари Э.Абдукаримхўжаев, А.Олимжонов, М.Ҳабиёв, Н.Шаҳобиддинов каби пойтахт ва вилоятлардаги 20 нафардан зиёд ижодкорларнинг асарлари ўрин олган.

— Карикатура муаммо моҳиятини образли намойиш этадиган, ўз нуқтай назаридан нигоҳ ташладиган ноёб санъат туридир, — дейди Ўзбекистон Бадий академияси бадий графика шўъбаси ра-

ис, карикатурачи рассом Шавкат Музаффар. — Республика миқёсидаги ҳар йили ўтказиладиган ушбу кўргазмада ҳам турли мавзулардаги суратларим билан иштирок этаман.

— Олти йилдан буён карикатурачи рассомлик ва керамика билан шуғулланиб келаман, — дейди Республика рассомлик коллежи ўқувчиси Азизжон Олимжонов. — Юмор кишилар руҳиятини мустаҳ-

камлайди. Айнан шунинг учун бу соҳага қизиқинг ортияптики, асло қаймайман. Келажакда танлаган соҳамнинг етук мутахассиси бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Бу йўлда устозларнинг кўрсатган йўл-йўлиқларига амал қилиб, ўз устима тимимсиз ишляяман.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» мухбири



У-А суратлари

Тадбир

Темурийлар тарихи давлат музейида «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банки маъмурияти ва қасаба уюшма кўмитаси томонидан Соҳибқирон Амир Темуր таваллудининг 680 йиллигига бағишлаб маданий тадбир ташкил этилди.




«Амир Темури даврийлар даврида маънавий ва иқтисодий тараққиёт» деб номланган ушбу тадбирда темурийлар даврида маънавий, маданий муҳит тубдан ўзгариб, тараққий этгани, ҳозирги кунга қадар етиб келган улкан моддий ва номоддий меросини ўрганиш нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик мутахассислар томонидан ҳам чуқур талқин этилаётгани таъкидланди. «Темури тузуклари»да илгари сурилган ватанпарварлик, олижаноблик каби муқаллас туйғуларни бугунги авлод онгу тафаккурига сингдириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигига алоҳида урғу берилди. Шунингдек, темурийлар давридаги молия-пул сисъати, сарой маданий ҳаётига доир қизиқарли маълумотлар келтириб ўтилди. Музей экспозиция заллари бўйлаб қилинган саёҳат банк ҳолимларида катта таассурот қолдирди.

С.АБДУРАҲМОНОВ

Болалар спорти

Сувдаги мўъжиза

Пойтахтимизда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Нафосат олами» шiori остида «Соғлом авлод учун» кубоги учун V Республика спорт фестивали ташкил этилди.



Гўзал НОРЧАЕВА, «Ishonch» мухбири

Тадбирда сўзга чиққанлар республикамизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор туфайли ўғил-қизларимиз ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етайтганини эътироф этишди.

Якқасарой тумани «Қушбеги» болалар спорт мажмуаси ҳамда Юнусобод туманидаги «Саховат спорт сервис» акциядорлик жамияти сув ҳавзаси икки кун давомида қизгин мусобақаларга бой бўлди. Спортнинг нафис турлари ҳисобланган синхрон сузиш, сувга сакраш ва спорт рақси турлари бўйича баҳсларда 150 нафардан ортиқ 2005 — 2010 йилларда туғилган қизлар ва ўғил болалар ўз тоифаларида баҳс олиб боришди.

Ҳолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўзим ҳазил-хузулни яхши кўраман-у, аммо биринчи апрелни жиним суймайди. «Не сабабдан?» дейсизми? Эй, қурибгина кетсин, биринчи апрел деганлар!

Кисир гунажиним бор эди, азонда бозорга олиб бориб сотдим. Бўғозидан олишим керак. Гунажининг арқонини пахталигим остидан белга боғлаб, бозор айланганман. Бир пайт савдо бўлаётган ҳўжининг биқинида турсам, қўйнимда бегона кўл рақс тушапти. Шартта ушламоқчи эдим, сирғалиб чиқиб кетди, хумпар. Нима бўлганини ўғри бешолти қадам юргандан кейин сездим: гунажининг пулини ўриб кетибди.

— Ҳўжини ушланглар, ўғрини! — жон ҳолатда бақирдим.

Мол бозори уч-тўрт дақиқа жимиб қолгандай бўлди. Одамлар аввалига бир-бирларига, сўнг менга савол назари билан қарашди.

— Пулимни ўмариб кетди! — кўлларимни силтаб ўғрига ишора қилдим.

Хамма кескин ўғри томон ўғирлиди.

— Ошнам, алдаяпти, бугун биринчи апрел-ку! — деди ўғри тиржайиб.

Одамлар ҳафсаласиз бош чайқашди.

— Қанақа биринчи апрел?! Ростдан пулимни ўғирлаб кетди, деяпман! — ўғри ортидан ташландим. Аммо забардаст кўл билагимдан тутиб қолди.

— Эй, номеринг ўтмади, ука, ўшмади! — тақамўйлов «акам» билагимдан баттар қисди.

Биринчи апрел

(Ҳажвия)

— Қанақа номер? Ҳақиқатан ўғирлаб кетди! — алам билан тушунтира кетдим. — Эрталаб гунажинимни сотгандим! Мана арқони! Бирдан гапларим латифадек таъсир қилаётганини сезиб қолдим: одамлар тақамўйловга қўшилиб кула бошлашди. «Эй!» деб кўл силтадим.

Зора, ўғри кўриниб қолса деб у кетган томон чоғдим. Ҳе, қораси ҳам йўқ. Девор устига чиқдим. Бозордаги ҳар бир одамни синчиқлаб кузатишни бошладим: ўғрига ўшаши ҳам йўқ. Бир вақт мундоқ қарасам, бозордаги ярим одам мени кузаяпти. Ҳатто базиллари шеригига мени кўрсатиб, нималариндир айтиб қотиб-қотиб куляпти ҳам.

— Пулимни ўғирлатиб қўйдим! — дедим уястка нозирининг олдига кириб.

Вей, ҳақиқий инсон экан нозир йигит. Дарҳол дафтарини очиб, рўчасини кўлга олиб, «Қаерда?» деб сўради! «Бозорда, эрталаб азонда, гунажинимни», деб гап бошлаб, ҳаммасини айтиб бердим. Ҳўйла бола экан, диққат билан эшитди! Ҳўжининг қиёфасини кўлимдан келганга айтиб бердим, эринмасдан ёзиб ҳам олди. Белим-

га боғланган гунажининг арқонини диққат билан кўздан кечирди. — Ҳўп, давом этинг, пулни олдирагач, сиз нима қилдингиз? — сўради у яна ёзишга шайланиб.

— «Пулимни ўмариб кетди, ўғрини ушланглар!» деб бақирдим.

— Одамлар ўғри томон ташланмишди, — нозир Ҳўча воқеаларни давом эттира кетди. — Аммо ўғри элчил экан, ҳаммага чап бериб, одамлар орасида сувга тушган узукдай йўқ бўлди.

— Каёқда, — ҳафсаласиз жавоб қилдим. — Кўзимга бакрайиб қараб, тиржайганча, «Ошнам алдаяпти, бугун — биринчи апрел!» деди.

— А? — нозир сакраб тушгандай бўлди. Сўнг олдиди қалендарни варақлаб, рўчасини стол устига ташлади. — Дарвоқе бугун биринчи апрел! Ҳа-ха-ха! — у ўрнидан туриб, тентақлардай қотиб-қотиб қулганча, атрофимда айлана бошлади. Езган қоғозларини гижимлаб, бурчакдай чөллакка отди. — Эй, ёмон қилдингиз, ёмон қилдингиз! Ҳўзир бир дақиқа, кетмай туринг! — у хонадан гойиб бўлди.

«Тутқаноғи бормикан бунинг? Нималар бўляпти ўзи?» ўзимча ўйлаб кетдим. Эшикдан нозир шеригини бошлаб кирди.

— Мана, мана, ўзлари, — деди кулимсираб рўчасини кўлига оларкан. — Мана бу ўртоғимиз ҳақиқий изкувар. Ҳўжини ушламасдан қўймайди. Бу кишига яна бир бошдан гапириб беринг. Ҳўп, мол бозорига борган эдингиз...

— Азонда қисир гунажинимни сотдим, — хикоямни яна бошидан бошладим. Аммо негадир давом этганим сайин милиционерлар қулгиси авжга миша бошлади. Арқони кўрсатиш жойига келганимда, изкувар чиқолмади.

— Бўлди, бўлди! Хо-хо-хо! — деди қоринни ушлаб.

Ҳайронлигим баттар ошди! Буларга бир нарса бўлганими? Бирдан сезиб қолдим; улар гапларимни биринчи апрелга йўйишаётган экан! Кўл силтаб, эшик томон юрдим.

— Шошманг, биринчи апрел, балки бошлиғимизнинг ҳам эшитгиси келиб қолар!

Бегона бегона-да барибир, дардинга шерик бўларимиди? Яхши-

ям уйда хотин бор, йиғлайди, сиқтайди, сочларини юлади, аммо дардимни эшитида — сал енгил тортарман! Айтганимдай, умрингдан барак топкур хотин «Пулни ўғирлатиб қўйдим!» дейишим билан шунақа гафво кўтарди, учта кўшимиз уч томондан югуриб чиқди. (Ўзи улар старта туради — қайси томонда уруш-жанжал бўлиб қолар экан, деб) Сал тафтим босилгандай бўлди. Белимдаги арқони ечиб, хотиннинг олдига ташлагандим, «вой, жигарим!» деб юборди. Кўшиллар унга қўшилиб, ўғрининг гўрига гишт қалашни бошлашди.

Ҳамин сал аригандай бўлганди, аммо буюм кўпга чўзилмади. Қайси хотин мактабда ўқийдиган боласини эргаштириб юради? Аҳмоқ хотин! Аҳмадонинг хотини боласини эргаштириб чиққан экан-да! Ишнинг белига тепди.

— Амакининг гапига ишонманлар, бугун — биринчи апрел! — деди тиржайиб.

Қарғиш отаётган оғизлар очилганча қолди. Сўнг бирдан оғизлар «хо-хо-хо»ларга тўлди! Хотинлар ўн беш дақиқача хоҳоллашди. Не дейишни билмай шумшайганча қолдим.

— Ҳе, ҳазилингиз ҳам бор бўлсин, дадаси! Яқин орада бунақанги мириқиб қулмагандим.

Хотиннинг бу гапидан кейин чиқолмадим. Ердан гунажининг арқонини олдим. Уйга кириб арқонини тўсин устига, ўзимни... кроватга ташладим.

Саид АНВАР

MUASSIS:



Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси



2007-йил 11-январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўyxатга олинган.

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'laqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshhev

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63 Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79 Xalq va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43 Klatama va o'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi short. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32 Andijon — (+998-91) 475-23-60 Buxoro — (+998-93) 653-50-81 Jizzax — (+998-91) 943-67-44 Namangan — (+998-90) 260-50-77 Navoiy — (+998-93) 313-86-87 Samarqand — (+998-97) 915-50-87 Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55 Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99 Farg'ona — (+998-91) 141-27-70 Xorazm — (+998-90) 719-48-00 Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

N.Rafiqov Navbatchi: N.Mahamov Musahhib: S.Haydarov

Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.

Korxonada manzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi 2 bosma tobaq. Buyurtma T — 415. 21221 nusxada bosiladi. Nashr ko'rsatkichi 133

Boshiga topshirish vaqti — 20:45 Topshirildi — 21:30 1 2 3 4 6